O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
ZAFAROBOD TUMANI
HOKIMI
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ЗАФАРАБАДСКОГО РАЙОНА
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

"8" 02 2020 йил 47 - сонли Зафаробод шахарчаси

Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31-январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомининг (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2003 йил 1-2 сон 174-модда) 18-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахсларга қарашли бўлган автранспорт воситалари ва уларга тиркамалар мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Техник кўригни ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳудудида хисобда турган юридик шахсларга тегишли автомототранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш графиги 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда ўз вақтида режа жадвали асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

5. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

– биринчи марта - 1 март - 30 июнда;

– икинчи марта - 1-сентябрь - 31-октябрга қадар ўтказилсин;

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 - март - 30-июнда;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 15 - февралдан - 31 - августгача.

6. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси (Ғ.Эрбеков)га:

Транспорт воситаларининг техник холати, улардан, фойдаланиш

нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш

Транспорт воситаларининг техник холати ва ускуналари йўл харакати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш вазифаси юклатилсин.

7. Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31-январдаги 54-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофик ўтказилсин.

8. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 2 февралдаги 150-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

9. "Зафар йўлидан" тахририяти (Н.Қудратова) мазкур қарор махаллий матбуотда чоп этилиши ва унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (Э.Миразимов) зиммасига ҳамда ижросини ташкил этиш туман ички ишлар бўлими (И.Хаджамқулов)га юклатилсин.

11. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими в.в.б **Қ.Ризаев**

Туман ҳокимининг
2020 йил 8 февралдаги
47-сонли қарорига илова

Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси
ТАРКИБИ

1. Ғ.Эрбеков - туман ИИБ ЙХХБ катта инспектори, комиссия раиси

комиссия аъзолари:

2. Б.Хамрокулов - туман табиатни мухофаза қилиш инспекцияси бошлиғи

3. Э.Саримсаков - туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

4. Т.Бахриев - туман “Агротехсервис” МЧЖ раиси

Зафаробод туман ҳокимининг
2020 йил 08 февраль кунги
№47 сонли Қарорига илова

Зафаробод туманида ҳисобда турган юридик шахсларга тегишли автомототранспорт воситаларининг мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

т/р	Хўжаликлар номи	Ўтказилиш жойи	Ўтказилиш вақти
1	**Фермер хўжаликлари**	ЙҲХ гурухида	**03.03дан 29.03.2020 гача**
2	**Ишонч-транссет а/корхонаси**	ЙҲХ гурухи	**02.04.2020 йил**
3	**Тиббиёт бирлашмаси**	Тиббиёт бирлашмаси автогаражи	**12.04.2020 йил**
4	**Кишлок хужалик к/х коллежи**	ЙҲХ гурухида	**12.04.2020 йил**
5	**Маиший хизмат курсатиш коллежи**	ЙҲХ гурухида	**12.04.2020 йил**
6	**Туман кимёлаштириш корхонаси**	ЙҲХ гурухида	**16.04.2020 йил**
7	**Пахта тозалаш заводи**	ЙҲХ гурухида	**18.04.2020 йил**
8	**ЙХТФПДК (ДРСУ)**	ЙҲХ гурухида	**22.04.2020 йил**
9	**Туман солик инспекцияси**	ЙҲХ гурухида	**28.04.2020 йил**
10	**УЯ 64/73**	Корхона автогаражи	**05.05.2020 йил 06.05.2020 йил**
11	**УЯ 64/78**	Корхона автогаражи	**07.05.2020 йил 08.05.2020 йил**
12	**Туман хокимлиги**	ЙҲХ гурухида	**11.05.2020 йил**
13	**“Ватанпарвар” ташкилоти**	Ташкилот автогаражи	**12.05.2020 йил**
14	**Халк таълими булими**	ЙҲХ гурухида	**13.05.2020 йил**
15	**Электр тармоклари**	ЙҲХ гурухида	**13.05.2020 йил**
16	**Агротехсервис (МТП)**	ЙҲХ гурухида	**14.05.2020 йил**
17	**Тумангаз**	ЙҲХ гурухида	**16.05.2020 йил**
18	**Тожинур умиди МЧЖ**	ЙҲХ гурухида	**19.05.2020 йил**
19	**С.Рахимов СИУ**	ЙҲХ гурухида	**21.05.2020 йил**
20	**Охунбобоев СИУ**	ЙҲХ гурухида	**22.05.2020 йил**
21	**Х.Олимжон СИУ**	ЙҲХ гурухида	**23.05.2020 йил**
22	**Мустакиллик СИУ**	ЙҲХ гурухида	**26.05.2020 йил**
23	**С.Синдаров СИУ**	ЙҲХ гурухида	**27.05.2020 йил**
24	**Кожахмет СИУ**	ЙҲХ гурухида	**27.05.2020 йил**
25	**Беруний СИУ**	ЙҲХ гурухида	**02.06.2020 йил**
26	**Ф.Хужаев СИУ**	ЙҲХ гурухида	**09.06.2020 йил**
27	**Чимкургон СИУ**	ЙҲХ гурухида	**14.06.2020 йил**
28	**Кичик корхоналар**	ЙҲХ гурухида	**23.06.2020 йил**

Зафаробод тумани ИИБ ЙХХ гурухи катта инспектори, комиссия раиси: **Ғ.Эрбеков**